



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 18 июнь,
№51 (1018)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

Стратегик ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июнь куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Тонг боки-ралиги ўлкаси ўртасида катта масофа бўлса-да, халқларимизни яқин қадимий дўстлик ришта-лари боблаб туради. Эл-юртта садокат, ождодлар мероси ва қад-риятларини эъозлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик, очикқўнгли-лик, саховат, каттага ҳурмат, ки-чikka иззат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек ҳосдир. Бир пайтлар тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минг-лаб корейсларга ўзбек халқи меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошпана берганини ко-рейс халқи ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда изчил мулоқот-лар ва муштарок интилишлар ту-файли давлатларимиз ўртасида очикқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асос-ланган муносабатлар қарор то-пган ва бу алоқалар кундан-кунга янги-янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Узоқ муддатли ҳамкорлик мо-байнида босиб ўтилган самара-ли йўлга ҳолисона баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, Корея Рес-публикаси Ўзбекистон Республи-каси учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дас-турларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳамжамиятига бос-қичмо-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қув-ватлаган, вoкt синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Ташрифнинг асосий воқеала-ри 17 июнь куни Кўксорой қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб

Корея Республикаси Президенти-ни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф-тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Пак Кин Хэ шoҳсyла-га кўтарилдилар. Икки мамлакат-нинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар faxрий қоровул сафи олиндан ўтдилар.

Ислом Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги учра-шувида икки томонлама муноса-батларга доир масалалар, дол-зарб минтақавий ва халқаро му-аммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Биз Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мам-лакатимизга илк давлат ташри-фини Ўзбекистон — Жанубий Ко-рея ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, томонларнинг олий даражадаги аёнанавий мулоқот-ларни давом эттиришга, дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муноса-батларини ривожлантиришга катъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Ўзбекистон Корея Рес-публикасига оксак даражада ри-вожланган, улкан иқтисодий, ин-новацион ва интеллектуал сало-ҳиятга эга давлат сифатида қа-райди. Тараққиётнинг ҳар томон-лама ўйланган, узоқ муддатли стратегияси тўғйойли Жанубий Ко-рея ҳақли равишда жаҳон икти-содийети ва халқаро муносабат-ларда етакчи ўринлардан бири-ни эгаллаб келмоқда, — деди Ислом Каримов.

Музокарада таъкидлангани-дек, бу учрашув кўп киррали му-носабатларни янада ривожлан-

тириш жараёнидаги муҳим бос-қич, ҳамкорликнинг бугунги ҳола-тини ҳар томонлама таҳлил қилиш, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш ҳамда фаол ривожланиб бора-ётган стратегик шериклики янги амалий мазмун билан бойитиш учун яхши имкониятдир.

— Буюк Ипак йўли маркази сифатида азалдан ривожланган Ўзбекистон бугунги кунда жадал иқтисодий тараққиёти, қулай сар-можий муҳити билан дунё мам-лакатларини ўзига жалб этмоқ-да. Ўзбекистон Жанубий Корея-нинг Марказий Осиёдаги энг йи-рик ҳамкоридир. Бу ерда илк бор меҳмон бўлиб турган эсам-да, дўстона муносабат, очикқик ва самимийлик туфайли ўзимни узоқ йиллик дўстларим ҳузурига кел-гандек ҳис этмоқдаман. Бундай қулай муҳит ва яхши кайфият дав-латларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг белги-си ва унинг мунтазам ривожла-ниб боришининг далолатидир, — деди Пак Кин Хэ.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муноса-батлар стратегик шериклик аён-аналарига мос тарзда ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш та-мойиллари асосида ривожлан-моқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятда молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг ўхшати назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бош-қа халқаро ташкилотлар ҳамда мо-лиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани стра-тегик ҳамкорлиқни изчил ривожлан-тиришга хизмат қилмоқда. Пре-

зидент Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойдаги Корея Рес-публикасига давлат ташрифи дои-расида умумий қиймати 5 милли-ард АҚШ долларига тенг 60 сар-можий лойиха имзоланди.

Парламентлараро алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делега-циялари мақомидаги ташрифлар изчил кенгаймоқда. Ташқи сиёсат маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган. Жорий йил апрель ойда Сеулда маслаҳатлашу-ларнинг 10-давраси бўлиб ўтди.

Музокарада сиёсий мулоқот-ларни изчил давом эттириш, эри-шилган келишувларни ҳаётга тат-биқ этишни мониторинг қилиб бо-риш, ахборот технологиялари, қуёш энергетикаси, қишлоқ ҳўжа-лиги, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш-га келишиб олинди. Томонлар бундан буюн ҳам халқаро ташки-лотлар ва минтақавий тузилма-си, жумладан, «Корея Республи-каси — Марказий Осиё» ҳамко-рлик форуми доирасида бир-би-рини қўллаб-қувватлайди. Хавф-сизлик ва барқарорликни мус-таҳкамлаш, терроризм, диний экс-тремизм, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва наркотик модда-ларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашишда изчил ҳамко-рлик қилади.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегациялари-нинг кенгайтирилган торкибадаги музокарасида давом этди. Томон-лар савдо-иқтисодий, сарможий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-сотик соҳасида мамла-катларимиз ўртасида 1992 йилдан буюн энг кўп қулайлик яратиш тар-тиби амал қилади. 2013 йилда ўзаро товар айирбoшлaш ҳажми

2,1 миллиард доллардан ошди. Жорий йилнинг январь-апрель ой-ларида бу борадаги кўрсаткич 669,3 миллион долларга етди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўмита мунтазам мажлислар ўтказиб кел-моқда. Ўтган ойда унинг навбат-даги мажлисига Тошкент мезбон-лик қилди. Шунингдек, молия ва-зирларининг, Энергетика ва та-биий ресурслар бўйича идорала-раро кўмитанинг йиғилишлари ўтказилмоқда. 2012 йилдан Ахбо-ротлаштириш бўйича кенгаш фа-олият олиб бормоқда.

«Корея Республикаси — Мар-казий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида савдо-иқтисодий, сар-можий, транспорт, маданий-гума-нитар соҳаларда минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинмоқда.

Корея Республикасининг мам-лакатимиз иқтисодийётига киритган сармояси ҳажми 5 миллиард дол-лардан ошади. Ўзбекистонда жа-нубий корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этил-ган 412 корхона, ушбу мамла-катдаги 81 компаниянинг ваколат-хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Ко-рея муваффақиятли иқтисодий ҳам-корлик борасида катта тажриба тўплаган. Сурғил қони негизда барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси кўлами жиҳатидан фoят йирик лoйиxa сифатида хал-қарo микёсда эътироф этилди. Корея газ корпорацияси, «Лотте групп» ва «Эс-Ти-Икс Энержи» компаниялари консорциуми ишти-рокда қурилаётган бу мажмуа келгусида 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ва бунинг на-тижасида 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва

бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бера-ди. Жанубий Корея компанияла-ри мамлакатимизнинг турли мин-тақаларида истиқболли углеводо-род конларини аниқлаш, геоло-гия-разведка ишларини амалга ошириш, ўзлаштириш борасида фаолият кўрсатмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида «Шиндонг Рисорсез» компанияси билан вольфрам қони ўзлашти-рилаётганини, «Неоплант» компания-си билан ҳамкорликда техник крем-ний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Автомобилсозлик — жанубий корейлик шериклар билан би-раликда Ўзбекистонда ўзлашти-рилган юқори технологияли энг машҳур ишлаб чиқариш соҳаси. Айни пайтда Андижон ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳ-рида автомобилсозлик корхона-лари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбе-кистонда саноатнинг бу соҳасига Жанубий Кореянинг 20 компания-си жалб қилинган, 18 қўшма ко-рхона тузилган.

Тўқимачилик ҳам ҳамкорлик-нинг устувор соҳаларидан бири-дир. Бу йўналишда Ўзбекистонда корейлик шериклар билан би-раликда умумий қиймати 212 мил-лион долларга тенг 10 қўшма лoйиxa амалга оширилди. Хусу-сан, «ДЭУ Интернэшнл» компания-си билан Фарғона ва Бухоро ви-лоятларида, «Шиндонг Энерком» ва «Текстайл Текноложж» компа-ниялари билан Сурхондарё ви-лоятида тўқимачилик корхонала-ри ишга туширилди. Айни пайтда Тошкент тўқимачилик ва енгил са-ноат институти негизида Тўқима-чиcк технологияларининг инно-вацион марказини очиш лoйиxa-си ишлаб чиқилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 17 июнь куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонла-рининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакат-нинг ташқи иқтисодий алоқа-лар, савдо, сормоя, банк-мо-лия, ёқилғи-энергетика, авиа-та-шув, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш, тоғ-кон саноати, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транс-порт коммуникациялари, логи-стика, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологияла-ри ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевти-ка, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул ва-зирлик ва идоралари, компа-ния ва концернлари раҳбар-лари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, мазкур бизнес-форум савдо-иқтисодий, сар-можий ва ижтимоий соҳалар-даги алоқаларни янги босқич-га олиб чиқишда муҳим аҳами-ят касб этишини таъкидлади.

Корея Республикаси Прези-денти Пак Кин Хэ мамлакат-ларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлаши-ни, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида қайд этди.

Жанубий Корея Ўзбекис-тоннинг узоқ муддатли ва ишончли стратегик шериги-дир. Мамлакатларимиз катта иқтисодий салоҳият ва имко-ниятларга эга. Бу борада икки

давлат ўртасида энг кўп қулай-лик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-саноат, сар-моя, нефть-газ, қончилик, ма-шинасозлик, тўқимачилик, ло-гистика, кимё саноати, қури-лиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғ-ликни сақлаш каби кўплаб со-ҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган.

Ўзбекистонда жанубий ко-рейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсат-моқда. Корея Республикаси-нинг 81 компанияси мамлака-тимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачи-лик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металл қайта ишлаш, сай-ёҳлик, соғлиқни сақлаш, транс-порт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

(Давоми 2-бетда).

«НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА»



■ Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Янгиланиш — бугунга хос, ишонч ва умид — эртанинг асоси

Бугун юртимизнинг қайси маҳалла ё қишлоғига борманг, янги уй-жойлар, иморатлар қад ростлаётганини кўрасиз. Ана шу иморатлар қаторида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди кўмаида қурилган, реконструкция қилинган, таъмирланган фуқаролар йиғинлари идоралари, маҳалла гузарлари ҳам бор-лиги эътиборга молик.

■ **Фарҳод ЭСОНОВ**
«Mahalla»

Тўққиз минг нафардан зиёд аҳо-лига эга пойтахтимизнинг Сер-гели туманидаги Аҳмад ал-Фор-ғоний номидаги маҳалла ана шун-дай кўмак туфайли обод гўшалар-дан бирига айланиб бормоқда.

— Маҳалла ҳудудида троллей-бусларга электр токи торқатадиган иншоот жойлашган эди, — дейди ма-ҳалла фуқаролар йиғини раиси Шо-йим Муллаев. — Қаровсиз ётган ушбу жойда фаоллар ташаббуси ҳамда

Фонд ва ҳрмийлар кўмагида маҳал-ла гузари барпо этилди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақ-садида гузардаги хизмат кўрсатиш шохобчалари кенгайтирилмоқда. Жумладан, минибанк, пойабзал таъмирлаш устохонаси, сартарош-хона ишга тушиш арафасида.

— «Намунали маҳалла» дас-тури доирасида ҳудудларимиз обод бўлмоқда, — дейди маҳалла фао-ли Баҳодир Қурбонов. — Гузари-мизда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дала дўко-ни, новвойхона, чойхона барпо этилгани айни муддао бўлди. Ай-

никса, уларга ёнма-ён жойлашган спорт майдончаси болаларнинг се-вимли масканига айланган.

Дарвоқе, яқинда гузарга туташ ҳудудда маҳалла идораси ўзининг янги биносига эга бўлди. Замона-вий андозалар асосида қад рост-лаган бино зарур жиҳозлар билан таъминланди. Унда фуқаролар йи-ғини раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-бия масалалари бўйича маслаҳат-чи, «Маҳалла посбони» жамоатчи-лик тузилмаси сардори ҳамда про-филактика инспектори учун хона-лар ажратилгани ҳудуд осийишта-лигини таъминлашда қўл келмоқда. Бундан ташқари, маҳалла қошида тикувчилик цехи ҳам ташкил этилди. Бу эса хотин-қизлар учун қўшимча 5 та янги иш ўрнини яратди.

Маҳаллада ким билан суҳбатлаш-манг, эртанги кунга умид ва ишонч билан яшаётганига ғувoҳ бўласиз.

ЭЪТИРОФ

Табиати бетакрор, халқи самимий диёр

Ўзбекистон — жаннатмонанд, серқуёш ўлка. Бу заминда етиш-тирилган мевалар таъми жаҳон-га маълум ва машҳурлиги аслида бобоқуёш саховати ва танти деҳ-қон меҳнатидан.

■ **Салоқат МАХСУМОВА**
«Mahalla»



Жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган «Ўзбекис-тонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳирала-ри» мавзусидаги халқаро конферен-цияда бу ҳақиқат яна бир бор ўз тас-диғини топди.

Унда иштирок этган хорижнинг ну-фузли компания раҳбарлари, олимла-ри, эксперт ва мутахассислари юр-тимизда амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолаб, тажрибаларимиздан ўрнат олишди. Анжуманда иштирок этиш учун Ватанимизга ташриф бўюрган меҳ-монларнинг фикрлари билан қизикдик.

Ханс ХУВЕН,
«IG-Projects B.V» қишлоқ ҳў-жалиги компанияси директори (Нидерландия):

— Ўзбекистонга биринчи бор кели-шим. Лекин унинг бетакрор табиати, хал-қингизинг меҳмондўстлиги, самимийлиги мени мафтун этди. Серқуёш ўлкангизда етиштирилаётган гилосу узумлар, полиз экинларининг ширинлиги, табийийлиги, эко-логик жиҳатдан тозаллиги ҳақида эшитган эдим. Диёрингизда бўлгач, ана шу эъти-роф ростлигига ишонч ҳосил қилдим.

> [2]

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Маънан етук инсон масъулиятни унутмайди

Юртимиздаги барқарор тинчлик ва фаровонлик энг катта бойлиги-миздир. Аммо айни пайтда дунёда юз бераётган таҳликали вазият-лар ҳар биримизни сергак торт-тириши табиий.

■ **Юлауз ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

Она-Ватанимизни кўз қорачиғи-дек асрoб-авайлаш ҳушёрли-кни бир зумга бўлсин бой бер-маслиқни талаб этади.

Бундай мураккаб жараёнда Прези-дентимиз асарларига қайта-қайта му-рожаат этиш, уларнинг мазмун-моҳия-тини кенг аҳоли қатламига тушунтириш энг муҳим омиллардандир. Жумладан, «Юксак маънавият — енгилмас куч» аса-рида инсониятни маънавий таназзулга бошловчи иллатлар қатори лоқойдлик ҳақида ҳам фикр юритилган. Китобда урғу берилишича, бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳоди-саларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўрқиш керак. У хатто ўз хал-қи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон жамият тараққиётига қамарбаста бўлиб, уни янгилашга интилиб яшаши, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва ҳуружлар-дан ҳимоялашда ўз бурчи ва масъуля-тини чуқур англаб етмоғи лозим.

> [3]

ПАРЛАМЕНТДА

Маҳаллалар ободлиги, оилалар фаровонлигига дахлдор танлов

Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтларини қўллаб-қув-ватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси-нинг йиғилишида навбатдаги грант тан-ловларини эълон қилишга доир масалалар муҳокама этилди.

■ **Ф. ЭСОНОВ**
«Mahalla»

Мажлисда таъкидланганидек, давла-тимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демок-ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил жорий этилаётгани жамоат ташкилотлари фао-лиятини янада кучайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ижросини таъ-минлашда уларнинг иштирокини ошириш имконини бермоқда.

> [2]



«ЁЗ — 2014»

Машғулотлар таътилда ҳам давом этади

Анджон вилояти Балиқчи туманидаги «Оққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тиллахўжа Хўжаев тарих фани бўйича вилоят миқёсида ўтган олимпиадада ғолиб деб топилди.

■ Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Бу хушхабар, аввало, маҳалла раиси Қ.Раҳмонов ҳамда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси С.Бобоматовани қувонтирди. Боиси, маҳалла қошида ташкил этилган тўғраққа қатноб юрган йигитчанинг ғалабасида, қайсидир маънода, уларнинг ҳам хиссаси бор-да.

Тиллахўжа туманидаги 8-умумтаълим мактабининг 9-синфини аъло баҳоларга таъминлади. Устози Б.Одилов нафақат тахрибали муаллим, балки маҳалланинг Маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссия аъзоси. Демак, аълочи ўқувчининг ютуғи фақат мактаб ёки тўғрақнинг эмас, маҳалланинг ҳам муваффақиятидир.

Маҳалла қошида ташкил этилган комиссиялар кўмагида ўқувчиларнинг ёзи таътил кунларини мазмунли ташкил этиш учун турли йўналишдаги тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, Ғ.Турғунов турмуш ўртоғи кўмагида маҳаллада волейбол тўғрақини очди. Мазкур тўғрақ аъзолари бир неча йилдан буён «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида Анжон вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилиб келяпти. Шуниси эътиборлики, ота-оналари изидан борган Муаттархон ва Муаззамхон ҳам мактаб, коллеж ўқувчилари ўртасида волейбол бўйича машғулотлар олиб боришди. Олинган кенжа кизи Муҳаддасхон эса маҳаллада бадий гимнастика

тўғрақини ташкил этиб, қизларнинг соғлом ўсишига ҳисса қўшмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «ЁЗ — 2014» шори остида жойларда спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини белгилаб олди. Бу беллашувлар оромгоҳларга жалб этилган болалар ўртасида уюштириляпти.

— Бугунги кунда вилоятдаги 742 та умумтаълим мактабининг 15 мингта фан тўғрагига 223 мингта яқин ўқувчи жалб этилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг раиси Икромиддин Волиев. — «Баркамол авлод» марказлари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт тўғрақлари 2,5 минг нафардан зиёд, бодий иходиёт тўғрақларига 37 минг нафар бола қамраб олинган. Мактаблардаги инглиз, немис, француз тили тўғрақлари ҳам таътил кунларида ўз фаолиятини давом эттиряпти. Тўғрақларга стол тенниси, спорт анжомлари, компьютер техника воситалари етказиб берилиди, уларнинг ишига қўмақлашми мақсодида маҳаллаларда кўча кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

Яқинда Балиқчи туманидаги Оққўрғон маҳалласида ноънавий тадбир уюштирилди. Унда таътил кунлари фарзандларнинг таълим-тарбия олишига қатта ҳисса қўшаётган фидойи ўқитувчилар — Зокиржон Турғунов, Дилноза Турғунова, Муяссар Қодированинг самарали фаолияти эътироф этилди ва уларга совғалар улашилди.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

Она-юртга содиқлик мард йигитнинг бурчидир



■ Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

«Қадрли отажоним, онажоним! Соғлиқларингиз яхшими, акам, укам ва сингилларим, барча яқинларим соғ-омон юришибдими? Мен жуда яхшиман, саломатлигим ҳам жойида. Ҳарбий хизматга келган кишининг юриш-туриши, муомаласи, алаббатта, ижобий томонга ўзгараркан. Ҳарбий қисмда биз учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган: вақтида дам оламиз, овқатланамиз, машғулотларда қатнашамиз, ҳарбий ҳаракатларни ўрганишамиз. Хизмат давомида мен янада чиқиқлман. Ватанпарварлик туйғуси жўш урмоқда. Зотан, йигит кишининг бурчи она-Ватани, халқи ва давлатини қўз қорачигидек асрашдан иборатдир.»

■ Иброҳим БЕК «Mahalla»

Ангренлик Отабек Турғуновнинг отасига йўллаган ушбу хатида ақс этган миннатдорлик, қатъият ва шижоат туйғулари, шубҳасиз, хизмат давомида тобланган иродаси туйғули.

У Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навобатдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтот бўлган ҳарбий хизматчиларни Қурултай Қўнлар резервига бўшатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, шу йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиб, синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўз йигитлик бурчини адо этаётган бахтли ёшлардан бири, десак муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни чинакам қомил инсонлар қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларни юксак савияда амалга оширишда ота-оналар билан бир қаторда маҳаллага ҳам катта масъулият юкланади. Негаки, ҳар бир ёш маҳалла муҳитида вояга етади.

Ангрен шаҳридаги «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ишларида намунали йиғинлар сирасига кирди. Маҳаллада Отабек сингари баркамол йигитлар қамол топаётгани, қолаверса, кўплаб ёшлар спортнинг турли йўналишларида муваффақиятларга эришиб келаётгани фикримизга далилдир. — Ватанпарварлик она-заминга, қадриятларимизга муҳаббат, уни севиш ва ардоқлаш, юртга содиқ бўлиш демак-

дир, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулбаҳор Мадалиева. — Маҳаллаимизда мана шундай туйғуларни кўксига жо қилган ёшларимиз борлигидан фахрланамиз. Улар Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиб, укалари, сингилларига ўрناк бўлмоқдалар. Аини пайтда Отабек Турғунов, Элёр Эркинов ва Баҳодир Умрзоқов юртимиз сарҳадларида ўз аскарлик вазифасини ўтамоқда. Улар хизмат қилаётган қўмондонлик раҳбарияти томонидан маҳаллаимизга, оила аъзоларига юборилган мактов ёрлиқлари, ташаккурномалардан бошимиз кўкка етмоқда.

Дарҳақиқат, фарзандни юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб қамол топиши учун нафақат ота-она, балки барча бирдек масъул. Шу боис турли ёт юзлар таъсиридан сақлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ойда икки марта йиғинда, таълим муассасаларида жамоатчилик комиссиялари аъзолари, ёшлар, ота-оналар, нурунийлар ва маънавият тарбиячилари иштирокида «Ватанга хизмат — муқаддас бурч», «Ёшлар тарбияси: маънавият ва ватанпарварлик» мавзусларида учрашувлар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида она шу йўналишда ўнга яқин тадбир ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилиди. Уларда юқорида номлари келтириб ўтилган йигитларимиз эришаётган ютуқлар ибрат қилиб кўрсатилмоқда. Бугун маҳаллада унлаётган ҳар бир ўғил-қиз улар каби она-юрт учун хизмат қилишни энг олий мақсад деб билишди.

— Болалиқда тарбияланган ватанпарварлик туйғуси бир умр инсонга йўлдош бўлади, — дейди Мунаввар Турғунова. — Шу боис маҳаллаимизда ўтадиган тадбирларга ўғлим Отабекни ҳам олиб чиқардим. Албатта, бола маънавий тарбият учрашувларида кўпроқ тирок этса унинг ички дунёси бойийди, Ватанига садоқати мустаҳкамланади. Бугун ўғлимнинг мард, жасур ўғлонлар сафидан ўрин эгаллаганини кўриб кўксим қувонган бўлди. Ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда.

Маҳаллада ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузорликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, таълим муассасалари ҳамда йиғин қошида турли тўғрақлар ташкил қилинган, ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этилаётгани яхши самара бераётир.



Ироққа 275 нафар ҳарбий жўнатилади

АҚШ Президенти Барак Обама Ироққа 275 нафар ҳарбий жўнатишини Конгрессга билдирди.



Бундан кўзда тутилган мақсад — америкаликларнинг ҳамда АҚШнинг Бағдоддаги элчихонаси хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ҳарбийлар давлат департаментига АҚШнинг Бағдод-

даги элчихонаси ходимларини вақтинча Басра ва Эрбилдаги бош консулликларга жойлашишида қўмақлашади.

Оқ уй баёнотида кўра, ҳарбий контингент Ироққа кириши учун мамлакат ҳукуматидан руҳсат олинади. Улар бу ерда хавфсизлик таъминланганига қадар қоладилар.

АҚШ ҳамда америкаликлар манфаатлари хавфсизлигини таъминлаш учун Пен-тагон зарур бўлса, таркибида «George Bush» авиа ташувчиси, «Philippine Sea» ракета крейсери ва «Triton» эсминци бўлган кемаларни Форс кўрфазига йўллаши ҳақида билдирган.

Вазият хавф остида

Исроилнинг ракетага қарши мудофаа тизими — «Темир гумбаз» Ғазодан мамлакат жанубидаги Ашкелон шаҳри томон йўналтирилган иккита ракетани уриб туширди.



Сўнгги пайларда ҳар икки томондан ракета зарбала-

ри берилётгани кузатилмоқда. Утган ҳафтанинг ўзига Исроил армияси қамда етита манзилни нишонга олган.

Айни пайтда Иордан дарёсининг гарбий соҳилида қидирув амалиёти давом эттирилмоқда. Бир неча минг исроиллик ҳарбий хизматчи диний мактабининг йўқолган уч ўқувчисини изламоқда. Ўсмирлар Гуш-Эцион мавзесидан ғойиб бўлган.

Исроил уларнинг ўғирланишида масъулиятни Палестин ҳукуматида ағдармоқда.

Мулкдан фойдаланиш — эркин

Американинг «Tesla Motors» компанияси асосчиси Элон Маск акциядорлар йиғилишида корпоратив пакетларни умумий фойдаланишга берилиши таъкидлади.



Мутахассисларнинг фикрича, бу фақат бир нечта бутловчи қисмларнинг патентига дахлдор бўлиши мумкин. Бироқ компания асосчи-

си корпоратив блог орқали гап барча пакетлар ҳақида бораётганини қайд этган.

Эндиликда исталган автомобиль ишлаб чиқарувчи ва хусусий шахс электромобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияга тегишли интеллектуал мулкдан эркин фойдаланиши мумкин. Агар ундан оқилона фойдаланилса, «Tesla Motors» судга мурожаат қилмаслиқа ваъда берди.

«Tesla Motors»га 2003 йилда асос солинган бўлиб, концерн ўзининг дастлабки фойдасини орадан ўн йил ўтиб олган.

■ Интернет материаллари асосида Муниса РАҲИМБЕРДИЕВА тайёрлади.

ҚУЛАЙЛИК

Янги ва кўркам бино

Каттақўрғон тумани марказида янги ва кўркам бино қад ростлади. Туман Фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзиш бўлимининг замонавий биносига аҳолига хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд.

■ Ю. ҲОЖИЕВА «Mahalla»

— Илгари мослаштирилган бинода жойлашган ФХДё бўлимида келин-куёвларнинг

тантанали маросимларини кўнгилдагидек ўтказиш анча ноқулай эди, — дейди Пайшанба шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қ.Аҳмедов. — Меъморчилик аъёналари асосида қад ростлаган янги

ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Натижалар салмоғи яна ортади

Жисмоний ҳаракат саломатлиқни таъминловчи муҳим омилардан бири. Шундай экан, аввало, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш мақсада мувоффиқ.

■ Анвар НАШИР ўғли.

Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳридаги «Наврўз» маҳалласида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш намунали йўлга қўйилган.

Ҳар тонгда маҳалла ҳудудидаги Олим Аширов номидаги марказий ўйингоҳда хотин-қизлар ва ёш қориниқ бадантарбия билан шуғулланиб, очик ҳовода югураётганига ғувоҳ бўласиз. Спортсеварлар маҳал-

ласининг чемпионлари ҳам талайгина. Нортўй Усмонов ўтган йили Шарқ яккакурашларида бағишлаб Кореяда ўтказилган фестивалда ўзбек жанг санъати бўйича ғолибликни қўлга кири-тиб, маҳалла ва юрт фахрига айланди. Жалалидин Дадахонов ва Дилдора Соатбоева бадминтон бўйича, Муҳаммад Ғуломов юнон-рум кураши, Нодир Ғуломов спортнинг бокс тури бўйича шаҳар ва вилоят биринчилигида фахрли ўринларни қўлга киритишган.

— Ёшларни спортга жалб

бино хоналарида замонавий мебель, компьютер жиҳозлари мавжуд. Бу, албатта, туманнинг салкам 250 минг нафар аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш имконини беради.

514 миллион сўм маблағ эвазига борлоп этилган ниҳодда илк бор оила қўраётган ёшларга вилоят адлия бошқармаси ва туман ҳокимлигининг совғалари топшириди.

қилиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эришилди, — дейди маҳалла раиси Миржамол Мирҳамедов. — Олим Аширов номидаги марказий ўйингоҳда ёшлар енгил атлетика, мини футбол, футбол ва спортнинг бошқа турлари билан мунтазам шуғулланади. Родик Сафаров раҳбарлигидаги културизм ва қаратэ машғулотларига 50 нафарга яқин ўғил-қиз қамраб олинган. У ерда чиниқаётган болажонлар қаратэ, кураш бўйича спорт мусобақаларининг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этишляпти. Ўйлаймизки, натижалар салмоғи янада ортади. Чунки яқинда маҳалла қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар



ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоси Нортўй Усмонов ўзбек жанг санъати бўйича тўғрақ фаолиятини йўлга қўйди.

Таъкидлаш жоизки, 3100 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бу гўша байналмилал маҳалла сифатида ҳам ном қозон-

ган. Рус, корейс, турк, ўйғур, татар, қозоқ, дунган, тожик миллати вакилларининг аҳилилиги қўшни маҳалла аёллари ўртасида ўтказилган югуриш ҳамда волейбол бўйича спорт мусобақасида яққол кўзга ташланган бу гўша байналмилал маҳалла сифатида ҳам ном қозон-



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148



24732 нусхада чоп этилди. Буюртма S-179

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусахҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Латипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



Ўзбекистон — Жанубий Корея: Стратегик ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корея Республикаси билан ҳамкорликда юртимизда «электрон ҳукумат» тизими жорий этилмоқда. Ташкент ахборот технологиялари университетиде Ахборот технологиялари маркази ва Ахборот олиш маркази очилган. Жорий йил март ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан пойтахтимизда Жанубий Кореядаги етакчи олий ўқув юртиларидан бири — Инха университетининг филиали ташкил этилди.

«Кореан Эйр» компанияси билан ҳамкорликда «Навоий» интермодал логистика маркази фаол ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда марказ бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йигирмата самолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Аини пайтда ушбу авиохабдан Сеул, Милан, Брюссель, Вена, Париж, Дехли, Мумбай, Истанбул, Ханой каби шаҳарларга ҳафтада 29 парвоз амалга оширилмоқда.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғормаси билан биргаликда молиявий-техник ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Беғароз асосда асбоб-ускуна тақдим этиш, қодрлар тайёрлаш ва малакасани ошириш, корейлик мутахассисларни Ўзбекистонга йўналиштириш КОИКА билан ҳам-

корликнинг асосий йўналишларидир. Бу борада соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда умумий қиймати 54,5 миллион доллардан зиёд 21 лойиҳа амалга оширилди. Яна тўрт лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғормаси билан ҳамкорликда қиймати 114,1 миллион долларга тенг тўрт сармоявий лойиҳа амалга ошириди.

Музокарада товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказиш, шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш боросида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуктаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуқлик, ҳар томонлама пухталик касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларини халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

1992 йилдан буён Тошкентда Корейс таълим маркази фаолият

кўрсатмоқда. Қатор олий ўқув юртиларида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. 13 олий таълим ҳамда 28 мактаб ва лицейда корейс тили ўрганилади. Умуман, Ўзбекистон университетлари Жанубий Кореядаги ўттиздан зиёд олий ўқув юрти ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2012 йил март ойда Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. 2013 йилда юртимизда «KBS» миллий телерадиокорпорацияси томонидан корейс қўшиқлари танлови ўтказилиб, унинг финалига чиққан «Алладин» ғуруҳи кейинчалик 15 мамлакат вакиллари иштирокида Жанубий Кореяда ўтказилган «Korean POP World Festival — 2013» фестивалида Гран-при соҳиби бўлди. 2014 йилнинг мурҳим воқеалари — Ўзбекистон ёшлар театри Болалар ва ёшлар театрлари уюшмасининг «Осиё учрашувлари — 2014» халқаро фестивалида «Шум бола» спектакли билан қатнашди, Тошкентда Сеул боғи ташкил қилинди. Ўзбек ва корейс халқлари учун қадрият бўлган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлим гўшалакатларини халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Пак Кин Хэ музокаралар самаралари, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат

Томирлар шуларни қайд этиб,

маданият, мусиқа, санъат ва спорт соҳаларида алоқаларни янада фаллаштириш, қўшма маданий фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш, ўқув юртилари ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар. Ўзбекистонда Корейс маданияти ва санъати марказини очиш масаласи кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Президент Ислон Каримов ва Президент Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклиқни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, 2014-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғормаси кредитлари тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳадли келишув, Икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Корея Республикаси Экспорт-импорт банки ўртасида молиявий битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Пак Кин Хэ музокаралар самаралари, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат

қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тўғрисида Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахрурурига хос замонавий қиёфа касб этди, аини пайтда унинг юртимиз ҳоётидаги аҳамияти ҳам юксалди.

Корея Республикаси Президенти халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пайига гул қўйди.

Пак Кин Хэ бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбирлари.

ЭЪТИРОФ

Табиати бетакрор, халқи самимий диёр

< [1]

Буларнинг барчаси мамлакатингизда аграр соҳани раванок топтиришга қаратилган катта эътибор, яратилган шарт-шароитлар натижаси. Айниса, фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатлари учун янги уфқлар очиб берилгани шарофатидир. Зеро, қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиётига бундай ёндашув турли иқлим ўзгаришлари кузатилаётган бугунги кунда ниятда долзарбдир. Юртингизда кичик бизнесни ривожлантириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда бажарилаётган ишлар катта самара бериётганининг гувоҳи бўлдим.

Майкл УИЛСОН,
Корнелл университети боғдорчилик лабораторияси бош техниги (АҚШ):

— Экологик жиҳатдан тоза, тўйимли мева ва сабзавотларда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, иммунитетни ошириш учун зарур витаминлар мавжуд. Серкўёш юртингизда етиштирилаётган нафақат боғдорчилик неъматлари, балки помидор, бодиринг, бўлғор қалампир, сабзилар ҳам шундай хусусиятга эга. Бу неъматларнинг замонавий корхоналарда консервация қилинаётгани улардан нафақат ёз-кузда, балки қиш ва баҳарда ҳам баҳраманд бўлишни таъминлайди.

Боғдорчиликни ривожлантиришда фақат ўзбекларга

хос институт — маҳаллаларнинг ўрни катта экан. Уларнинг фаолияти, замонавий қиёфаси билан ақиндан танишдим. Ишбилармонлиқни ривожлантиришда бундай ноёб тузилма томонидан амалга оширилаётган тадбирлар таъсирга лойиқ. Шундай бетакрор, йилдан-йилга ўзгариб, кўркамлашиб бораётган диёрингизга анжуман тўғрисида яна бир бор ташриф буюрганимдан хурсандман.

Хюньсү CEO,
«OTTO Yung Heung Groceries Co. Ltd» компанияси президенти (Корея Республикаси):

— Жаҳоннинг кўплаб давлатларида бўлиб, у ерда етиштирилган меваларни, улар асосида тайёрланган маҳсулотларни татиб кўрганман. Лекин ҳеч қайсиси Ўзбекистон заминидан етилган неъматларнинг ўрнини боса олмади. Сизларнинг биринчи ютугингиз қўлай география қўйлашув, иқлим бўлса, иккинчиси давлатингиз раҳбари томонидан саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидир. Шунинг учун иқтисодиётингиз жадвал ривожланиб, халқаро миқёсда обрў-эътиборни ортиб бормоқда. Ўз бизнесини юртингиз билан боғлашнинг хоҳловчи инвесторлар кўпайётганининг боиси ҳам шу, аслида.

Шунингдек, маҳалла гузорларига туташ болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳайратимни оширди.



■ ЎЗА олган сурат.

ПАРЛАМЕНТДА

Маҳаллалар ободлиги, оилалар фаровонлигига дахлдор танлов



■ Нодир ХАЙДУРОВ олган сурат.

< [1]

2008-2013 йилларда Жамоат фонди томонидан ўтказилган 30 дан ортиқ давлат гранти танловларида 2,7 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этгани юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Мазкур грант танловларида фуқаролик жамиятлари институтлари қаторида «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, ўтган йилги танловнинг «Обод уйим» йўналишида фонднинг Наманган вилояти Тўроқўрғон туман бўлинмаси, Жиззах тумани Қўшбармоқ ва Ҳамзаобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Сирдарё туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини ўз лойиҳалари билан ғолиб бўлди.

Шунингдек, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда ННТнинг кенг иштирокини таъминлаш йўналишида Зангиота тумани Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг «Мини технологиялар ишлатилидиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг ижтимоиятини ўргониб чиқишга қўмаклашиш, асослантирилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқариш ва уларни амалиётда қўллаш» лойиҳаси би-

лан 14 млн. сўм миқдоридеги грант маблағларини мақсадли сарфлади.

Қолаверса, лойиҳаларни амалга ошириб келаётган ННТ билан ҳам иштимоий шериклик асосида мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

— Ўтган йил охирида «Соғлигим — ҳаётим завоқи» лойиҳаси билан грант ғолиби бўлган эдик, — дейди Хоразм вилояти «Меҳригё» аёллар маркази раҳбари Насиба Бобожонова. — Қўшқулир туманидаги «Қорамон» ҳамда «Кенасо» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ҳудуд аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ушбу лойиҳани амалга ошириб келмоқдамиз. Шу кунгача мавзуга доир 15 га яқин давра суҳбат ва учрашув ташкил этилди. Уларда ҳудуд аёллари, ёшлар тўлиқ қамраб олинди. Аини вақтда тадбирларимиз давом этмоқда.

Эълон қилинган навбатдаги танлов мавзулари маҳаллалар ободлиги, оилалар фаровонлигига бевосита боғлиқ бўлиб, жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жумладан, «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорлиқни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий зоиф қисмига қўмак кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш» мав-

зусида қабул қилинадиган лойиҳалар 14 та муҳим йўналишни қамраб олади. Оилада тинчлик-хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва тўтувлик муҳитини, унинг иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш; болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар мавжуд оилалар билан ишларни алоҳида ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялашни кучайтириш, уларни реабилитация қилиш ва бондиглини таъминлаш; ҳар бир маҳаллада спорт тўғрракларини ташкил этишга, болалар, хотин-қизларни оммавий спорт турлари билан шўғулланишга жалб қилиш, оилада соғлом турмуш тарзи анъаналарини мустаҳкамлашга қўмаклашиш қабилор шулар жумласидандир. Эътиборлиси, ушбу йўналишга тақсимиланган маблағ миқдори 700 млн. сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилга нисбатан 14,7 фоиз кўп.

Шунингдек, 800 млн. сўм маблағ ажратилган «Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлигини таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларида ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш» мавзусидаги танловда қабул қилинадиган 13 та лойиҳа ичида ННТ ва аҳолининг маҳаллалар билан ҳамкорликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаларида иштирокини кенгайтириш масаласи ҳам ўрин олган.

Танловнинг «Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг иқидий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болаларни, айниса, қиз болаларни жисмоний тарбия ва спортга меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш» мавзусига 700 млн. сўм маблағ ажратилган. «Таълим муассасалари, маҳаллаларда семинар-тренинглор ўтказиш орқали болалар ва ёшларда соғлом турмуш тарзи қўниқма ва қобилиятини шакллантириш», «Болалар тарбияси учун ота-оналар ва маҳаллалар жавобгарлигини ошириш: «Бир болага етти қўшни ота-она» шiori остида оилалар, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш» йўналишлари ҳам қабул қилиниши назорда тутилган жами 14 та лойиҳа орасидан ўрин олган.

Умуман, давлат грантига ажратилган маблағлар миқдори ўтган йилга нисбатан қариб 16 фоизга ошгани диққатга сазовор.

Мажлисда мазкур танловларни намунали ташкил этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг танловда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида «ННТ ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашнинг 2014 йилдаги устувор йўналишлари» мавзусида туркум семинарлар ўтказиш кўзда тутилгани таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда ўтган йиллар мобайнида қўллаб-қувватланган лойиҳаларни амалга ошириш натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Жанубий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, минерал ўғитлар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади, транспорт, коммуникация ва сойёхлик хизматлари кўрсатади. Жанубий Кореядан мамлакатимизга транспорт воситалари, механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар, қора металл импорт қилинади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қўлай сармоявий муҳит кўп-лаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармон доираларининг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Форумда Жанубий Корея ишбилармонлигига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, соҳага сармоя киритишнинг истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш омиллари, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қўлайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва уларнинг ижроси ҳақида сўз юритилди.

— Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси расиси Парк Йонгмаан. — Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатингиздаги қўлай сармоявий муҳит ва юксак иқтисодий

имкониятлар Ўзбекистон — Жанубий Корея савдо-иқтисодий алоқаларининг раванок топишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш торафдоримиз.

Бизнес-форумда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, сойёхлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Қадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасани оширишдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг йирик компанияларидан уч юзга яқин вакил иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга қизиқиши нақадар катта эканидан далолатдир. «Hanjin Group», «Hyundai Motor», «Lotte Chemical», «Hanwha Group», «Daedong Industrial», «Baum Architects», «Bell Metals», «LSC Foods», «Simpac», «Nara», «Shindong» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридеги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжуд ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ниятида эканини қайд этди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Бизнес-форум ва кооперацион биржа доирасида энергетика, тўқимачилик ва енгил саноат, ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар, таълим каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид умумий қиймати 2,4 миллиард доллардан зиёд қатор ҳужжатлар имзоланди.

Нодир МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолиятининг ўн йиллигига бағишланди

Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШХТ МАТТ) Ижроия кўмитаси ташкил топганининг ўн йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда ШХТ Бош қотиби Дмитрий Мезенцев, МАТТ Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэн, МАТТ Кенгаши аъзолари, ШХТга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва ташкилотнинг мулоқот бўйича шериклари, шунингдек, МАТТ ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этди.

ШХТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг қарорига мувофиқ 2004 йилнинг 17 июнида Тошкентда ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг расмий очилиши бўлди. Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШХТга аъзо мамлакатлар ваколатли органларига қўмаклашиш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Ўтган ўн йил давомида МАТТ томонидан ШХТга аъзо мамлакатларнинг янги ҳавф

ва таҳдидларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлиқнинг кўп томонлама ва икки томонлама механизмларини ўз ичига олган умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда мустаҳкам халқаро-ҳуқуқий база шакллантирилди, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбир иштирокчилари минтақавий ҳавфсизлик масалалари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доимий диққат-марказида эканини таъкидлади. Минтақода ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ШХТнинг ваколатли органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида МАТТ Ижроия кўмитаси самарали иш юритаётганини қайд этилди.

ЎЗА.

Миллий маҳсулотларнинг бозори харидоргир

Туманинг тоғли ҳудудлари аҳолиси ҳам, асосан, хунармандчилик билан шуғулланишди. Қаторбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинининг Варганза қишлоғининг 7 ёшидан 70 ёшигача бўлган хотин-қизи дўппи тикиди. Варганза дўппилари шакл-шомойили билан бошқа дўппилардан фарқланади. Ўзда иссиқдан, қишда совуқдан сақлайди. Муаттар Ортиқова ана шундай дўппиўзлардан. У 15 нафар шоғирди билан турли нусхаларда дўппиларни тикиб, буюртмачиларга тақдим этаяпти.



ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

Олов инсон ҳаётида муҳим омил бўлиши билан бирга, зарур ҳафсизлик чораларига риоя этишни ҳам талаб қилади. Ундан фойдаланиш қоидаларига бепи-сандлик ёнғин келиб чиқишининг асосий сабабчисидир.

**Баҳовиддин
МИРЗАТИЛЛАЕВ,**
Тошкент шаҳар 12-
ҳарбийлаштирилган
ёнгин хавфсизлиги
отряди инспектори.

Энгин хавфсизлиги идоралари Вазирил Маҳмаднинг сониин 2011 йил 18 ноябрда имзоланган «Хор йили ёнин хавфсизлиги ойлигин йўқзиш тўғрисида»ги қарорига асосан, «Ёнин хавфсизлиги» ойлиги доирасида ёнинлар юзуга келишининг олдини олиш, аҳолининг оғоҳлиги ва хушёрлигини ошириш, турархойлар ва халқ хўжалиги иншоотларида ёнин хавфсизлигини тўмнинлашга қаратилган тадбирлар олиб бормоқда. Хусусан, Тошкент шаҳор 12-хорбийлаштирилган ёнин хавфсизлиги отяра-

Энгийн хавфсизлиги хязма-
т хөдмилрэл тэмдэглэлд
олиб бэрлэлтээн протиллак-
тик тэдбирлорда фукарполар-
га газ хидини сезган захоти
дорхол эшик ва дерезалпар-
ни чиги, уйни шомоллатиш
ва шахар газ хавмалатиш
«104» хамда энгийн хавфсиз-
лиги хавмалатиш «101» ишчн
телефон ракамиллрга күнри-
гэр килиб вазият түгүрсида
хабар бериш лозимлиги тү-
шүнтрилмюкда. Зеро, огох-
лик ва хушёрли хавфсизли-
гимиз кафолативдо.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш, тобора ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бораётган фермерлиқни қўллаб-қувватлаш бугунги кўннинг долзарб вазифалиридан.

■ **Ю. ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан аграр соҳани тараққийлатиш, деҳқон фермер хўжаликларига қаровчилик, поррондорчилик, осаларчилик ва балиқчиликни ташил этиш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор берилётди. Жумладан, банк кредитлари ушбу соҳага мақсадли ўнгирилётганини бос, қўлбл истикболли пойхалар ҳоётга муваффақиятли татбиқ этилёттир. Натижада худудда тармоқлар ривожланиб, янги бл қикириш салмоғи ортмоқда, ишчи ўринлари яратилиб, аҳоли фаровонлиғи ўксалёттир.

Банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш учун 1 миллиард 968 миллион сўм ажратилди. Қишлоқ мулкдорларининг далага юмушларида кўмаклашадиган ҳар ҳил турдаги агротехникалар: шудгорлаш, чопик тракторлари, комбайнлар сотиб олиши ҳамда ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлаши учун банк-нинг 2 миллиард 971 миллион сўмлик кредит мблари сарфланди.

Банк фаолиятида ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини қузатиш мумкин. Негаки, замонавий ҳамда рақобатбардош корхоналар бунёд этиб, бозорларни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирётган, қўлқаб-ли ўринлари яратётган тадбиркор-

лар, шаҳар ва қишлоқларда мав­
ший ҳисза кўрсатиш шохбачалари­
ни миғта тўшириб, аҳоли бандлиги
катта ҳисса қўшоётган ишбилармон­
ларга молиявий кўмак бериш мам­
лакат иқтисодий тараққиётининг му­
ҳим омилларидандир. Банкнинг ви­
лоят бошқармаси филиаллари ушбу
соҳа ривожى учун қўл­лоб кредит маб­
лағларини йўналтираётир. Соғлом
бача йилининг 1 июнь ҳолатига кўра,
67 то лойиҳа учун 3 миллирд 571
миллион сўм кредит маблаглари аж­
ратилгани боис жойларда жами 205
то қўшима иш ўрни яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришида кўмаклашиш ҳам «Ағробон» мутасоّدчиларининг ҳақмат-марказида. Кейинги йилларда бошқарма жамоаси ёшларни, хусусан, касб-хунаор коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш ишларини тубдан феолашлатирди. Айниқса, қишлоқ жойларда йилтиқизларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда ҳамкорлар билан биргаликда кенг қамровли ишлар амалга оширилди, ўқув-семинарлари ташкиллаштирилди. Бу ишларнинг самараси ўларок, кичик бизнес билан шугулланда бошлора ёшларнинг сифи кенгайди.

Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банкка келаётган битирувчиларга имтиёзли кредитлар ажрати- либ, истиқболли режаларнинг қўллаб- қувватланиши уларнинг астойдил фай- рат билан ишлаб-интилишига туртки

бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги фармониин асосан коллеж битирувчиларига шайинининг 1 июнь ҳолатига кўра, баномонидан жами 72,5 миллион сўкредит маблағлари ажратилди.

— Уттан йили Олтинсой санокасб-хунар коллежики тутатди, — деди банк мижози Аъзам Абдуллоев. Президентимиз раҳнаомлигида тадбиркорликка, хусусан, ёшлар тадбиркорлигига қараталиётган эътибор яратилган шарт-шароитлардон унунли фойдаланишга охд қилдим. Ихчомиссиҳна куриш учун тузган лойиҳани банкка тақдим этгач, 4 миллион сўм микдоридаги кредит моболяга эрибўлдим. Бугун оиламиз билан бу ишга киришганим. Қолаверса, яна 1 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

Сервис соҳасининг тараққий этиши аҳоли турмушини фаворонлаштириш, оғирини енгил қилишга катта имкон беради. «Агробанк» вилоятда сервис соҳасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга кўтариш ва шу орқал қўлаб иш ўринлари яратилиши маъсад қилган кичик бизнес субъектларини молиявий қувватлаб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврига катта ҳўҳаллик юртувчи субъектга 28 миллион сўм миқдоридоги кредит маблағлари ажратилгани аҳолини қўшима қўлайлиқлар яратмоқда.

«Агробанк»нинг Қизирик филиали
мижози «Акобир Жовлиев» хусусий қо

хонасига темир дарвоза, эшик ҳамда панжаралар ишлаб чиқариш мақсадида 60,0 миллион сўм миқдорига кредит маблағи ажратди. Корхона раҳбари Собир Турсагатовнинг таъкидлашича, кредит маблағи нафақат оҳолининг маиший турмушини яхшилашга хизмат қилмоқда, балки 4 нафар маҳалладошнинг ҳам доимий иш билан билан бўлиши, оилавий шароитини ўнлашига ҳам хисса қўшаётти.

Ушбу молия муассасаси аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишларини таъкил этиш, давлатимизнинг тadbиркорларга яратётган шароитлари, пул-кредит сибасати ҳақида муайян кўнимқарол беришга интилиб келмоқда. Бу борада, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилгани кўзланган мақсадларга эришишда қўл келяпти. Жумладан, шундай тadbирдорлардан бири ақинда Термиз тумани Шароф Рашидов номидаги маҳаллада бўлиб ўтди. «Ағробонку» ходимларининг Янгиорик қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ўқувчилари билан ёшларни тadbиркорликка йўналтириш бўйича ўтказган мазкур давра суҳбатида маҳалла раиси Аллаёр Рўзиев ақиндан кўмак берди. Ушбу суҳбат давомида йиғилганлар қўллаб янгиликлардан баҳраманд бўлиб, ўзларини қизқирган саволларга жавоб олишди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» ОАТБ Сурхондарё вилояти бошқармаси фаолиятининг аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, оилалар фаровонлигини оширадиган мақсадли соғй-ҳаракатлари эътирофга лойиқ.